

Ота-оналарга мактуб ёки мусибатлар гуноҳларга каффорот



09:00 / 26.11.2021 2088

Фарзандларингиз хусусида қўрқиш керак эмас, уларни тарбия муассасаларида зулмга рўбаро келишларидан безовта бўлиш ҳам керак эмас. Чунки сизлар уларни тили заҳаргина этиб, ёмон хулқли ҳамда устоз ва тарбиячиларга эҳтиром кўрсатмайдиган этиб тарбиялаб бўлгансиз. Шу билан бирга устознинг қаттиқ туриши ёки қўл кўтариши умуман мумкин эмас, урадиган ёки сўкадиган бўлса, у устоз ҳатто қамалади деб ҳам уқтириб бўлгансиз.

Шу сабаб улар ҳақида хавотир олманглар!

Балки хавотир олиб қўрқишингиз лозим бўлгани шуки, куни келиб бу тарбиянгни асоратлари бошингиздаги сочингизга оқ тушириб юборганида намоён бўлади.

Манба: arabic.uz

Мусибатлар гоҳида гуноҳлар учун каффорот бўлади. Гоҳида эса, бу ишлар инсоннинг дунё ҳаётида Аллоҳнинг суннатига кўра жорий этган машаққат ва синов ҳамда роҳат ва кенгликни аралашиб келишидир.

Энди Бақара сурасидаги мана бу: «Албатта, Биз сизларни бир оз қўрқинч ва очлик билан, мол-мулкга, жонга меваларга нуқсон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга башорат бер», ояти эса, одамлар учун умумий бўлган Қуръоний қарордир. У бандаларнинг маъсиятни амалга ошириб,

уларга муккасидан кетишига қарамасдан дунё ҳовлисидаги Аллоҳнинг жорий қилган суннатининг баёнидир.

Доктор Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий раҳимаҳуллоҳ